



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

# IJRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**

# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 7.569

9940 572 462

6381 907 438

[ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)

[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)



# Pedagogical Fundamentals of Establishing Innovative Schools in the Education System

Azamov Sherzodjon Husanboy Ogli<sup>1</sup>

Independent Researcher, Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan. <sup>1</sup>

**ANNOTATION.** The article tells about the history of innovative schools, the organization of the educational process in them, the role of teachers in the activities of innovative schools, the development of creative thinking of students of innovative schools.

**KEYWORDS.** School, innovation, family, student, lesson, cooperation, ethics, education.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ШКОЛ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** В статье рассказывается об истории инновационных школ, организации учебного процесса в них, роли учителей в деятельности инновационных школ, развитии творческого мышления учащихся инновационных школ.

**Ключевые слова.** Школа, инновация, семья, ученик, урок, сотрудничество, этика, воспитание.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН МАКТАБЛАРТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Азамов Шерзоджон Хусанбой Ўғли<sup>1</sup>

Мустақил тадқиқотчи

Чирчиқ давлат педагогика институти<sup>1</sup>, Ўзбекистон.

**Аннотация.** Мазкур мақолада инновацион мактаблар тарихи, уларда таълим жараёнини ташкил этиш, инновацион мактаблар фаолиятида ўқитувчиларнинг ўрни, инновацион мактаб ўқувчиларининг креатив фикрлашларини ривожлантириш масалалари тўғрисида сўз юритилади.

**Калит сўзлар.** Мактаб, инновация, оила, ўқувчи, дарс, ҳамкорлик, ахлоқ, тарбия.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш натижасида кўзланган мақсад келажак авлодни ватанга садоқатли, мустақил фикрловчи, ҳар қандай шароитга тез мослашувчи, тўғри қарор қабул қила олувчи мутахассислар тайёрлашдан иборатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлида ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашувлар асосида бошлашимиз керак” эканлигини эътироф этган эди [1].

Ҳар қандай жамиятда мактаб ўқувчилари ўқиш давомида жисмоний, руҳий, ва психологик жиҳатдан қийинчиликларга дуч келади. Шунинг учун ҳам кўпчилик ота-оналар уларнинг муаммоларини ечими борасида аниқ бир тўхтамга келишга қийналадилар. Бугунги инновацион мактаб шароити бундай ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини ўзига хос таълим эҳтиёжларига энг мос келадиган таълим турларини танлашга хизмат қилади.

Инновацион мактабларнинг пайдо бўлиши ўқувчилар ва ота-оналарнинг таълим узвийлигини таъминлашдаги фаолияти орқали педагогик жараёнини соддалаштиради ва ижобий натижага эришишига хизмат қилади. Инновацион мактабларнинг дастлабки кўринишлари Л.Н.Толстойнинг “текин таълими”, 1896 йилди Чикаго Университети ўқитувчиси Жон Дьюининг “мактаб-лаборатория” дастури, 1919 йил Австриялик педагог Рудолф Штайнер томонидан ташкил этилган “Валдорф педагогикаси” мактаби, 1900 йилда Италияда ташкил этилган “Мария Монтессори мактаби”, 1893 йилда Самарқадда ташкил этилган “Машинали мактаб”, 1901



йилда Мунавваркори Абдурашидхонов томонидан ташкил этилган “Усули жадид” мактабларида ўз аксини топган.

Инновацион мактаблар ташкил этиш борасидаги дастурларнинг қўпчилиги ўз замонасида ҳукумат раҳбарлари томонидан қаршиликларга учраши натижасида бутунлай йўқ қилинган.

Бугунги кунда ахборот ва тениканинг ривожланиши замонавий педагогика фанида таълимнинг янги шакл ва услубларини такомиллаштириш учун хизмат қилмоқда. Инновацион мактаблар замонавий педагогика фанлари учун долзарб бўлган муаммоларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутаяди. Шу нуқтаи назардан қараганда, инновацион мактаблар фаолиятини мақсадли таҳлил қилиш педагогика фани ва амалиётини ривожлантиришда кейинги қадамлар учун имкониятларни очиб беради[2].

Бошқа томондан, инновацион мактабларни яратиш жараёни замон талаби бўлиб, бундай муассасаларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда кўплаб тадқиқотчилар инновациялардан фойдаланадиган ҳар қандай мактабни инновацион деб ҳисоблашади.

Инновацион мактабларни ташкил қилишнинг асосий шартлари ўқувчиларнинг билим даражаси, интилиши ва қобилиятларини ривожлантириш асосида замон талабларига тез мослашувчи, мушкул вазиятларда қарор қабул қила оловчи кадрларни тарбиялашдир.

Қўпгина таълим муассасаларида ўқитиш тизимига олиб киритилаётган янги технологияларни қўлланилиши инновацион мактабни шаклланиши деб ҳисоблайдилар. Бу ўз навбатида ўқувчининг мустақил ва креатив фикрлашга йўналтирувчи инновацион мактабларнинг инновационлик моҳиятига салбий таъсир кўрсатади[3].

Таълим жараёнини ислоҳ қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар давомида ислоҳатчилар куйидаги масаларга дуч келишади. Масалан:

- Инновацион дастур асосида ўқитишда ўқитувчиларга қандай талаб қўйилиши керак;  
-Инновацион таълим иштирокчилари бўлган ўқувчиларнинг компетенциялари қайси мезонлар асосида аниқланади;

- Инновацион дастурни педагогик жамоада қандай амалга ошириш мумкин;

- Мактабда олиб бориладиган ишлар педагогик жамоатчилик ва ота-оналар томонидан ижобий қабул қилиниши учун қандай расмийлаштирилиши керак;

Аслида, бу ва бошқа кўплаб масалалар инновацион мактабнинг ўзига хос муаммоларини ҳисобланиб бунда инновацион мактаб ўқитувчиси бўлиш муаммолари, маълум бир маданий-маърифий контсепцияга мос келадиган таълим мазмуни муаммолари, энг муҳими инновацион мактабнинг муайян таълим компонентини билимнинг асосий компоненти билан мажбурий таъминлашни уйғунлаштириш муаммоси, инновацион мактабни бошқариш муаммолари ва бошқалар[4].

Инновацион мактаб муаммолари бўйича тадқиқотлар 1960-йилларнинг ўрталаридан бошлаб АҚШ ва Ғарбий Европада пайдо бўлди. Инглиз ва америкалик олимлар (Н.Агепск, К.Капаиан, Л.Ковепо, Л.Кретш, М.Огеепе ва бошқалар) ишларида таҳлил қилинган.

Аммо мактабда инновацияларни яратиш ва жорий этиш муаммоси, шунингдек, мактаб ичидаги инновацияларини лойиҳалаш тадқиқотчилардан педагогикада илгари ўрганилмаган ёки жуда кам ўрганилган махсус масалаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.Инновацион мактаб ва умуман инновацион жараёнлар, инновацион фаолият технологияси, маҳаллий педагогик инновациялар манбалари, уларни тизимли (мактабга мутаносиб) инновацияга айлантириш жараёни таълим тараққиётида муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳар қандай мактабда таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган турли хил маҳаллий янгиликлар мавжуд.

Агар ушбу маҳаллий инновациялар ягона тизим инновациясига бирлаштирилса, мактаб инновацион бўлади, бу ерда тизим инновацияси унинг пайдо бўлиши ва мактаб таълими даражаларида: фалсафий, психологик, дидактик, ҳаётийлик сифатлари тушунилади.

Ҳудудларда инновацияларга асосланган таълимни ташкил этиш ўқитувчи-тадқиқотчи томонидан амалга оширилади. Инновацион мактаб раҳбари таълим жараёнини бошқаришда ўқитувчининг таълим жараёнида тутган ўрни, унинг касбий ва ахборот компетенциялари асосида таълим жараёнини ўзлаштириш орқали шакллантирилади.

Таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган инновацион мактабни ташкил этиш жараёни иккита асосий хусусиятни жорий этиш билан боғлиқ:

-тизимли инновация мактабга мутаносиб, яъни мактабнинг фалсафий, психологик, дидактик, ҳаётни таъминловчи даражаларида ифодаланган инновация сифатида;

-таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича инновациялар самарадорлигини таҳлил қилувчи ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти сифатида.



2. Инновацион мактаблар типологияси (мактаб-лойиҳалар ва мактаб-лабораториялар) профессор-ўқитувчилар таркибидаги фаолиятнинг устувор тури (тадқиқот ёки лойиҳа) асосида ишлаб чиқилган ва инновацион мактабни шакллантириш жараёнининг динамикасини ақс эттиради.
3. Мактаб лойиҳаси шароитида турли хил маҳаллий инновациялар -худудий хусусиятга эга бўлиб, мактабнинг умумий лойиҳасини амалга ошириш жараёнида билвосита бир тизимга бирлаштирилган инновациялар, мактаб-лаборатория шароитида эса маҳаллий инновациялар. мактабнинг умумий тадқиқот муаммоси билан бевосита боғлиқ.
4. Мактабда дидактик мулоҳазанинг фалсафий, назарий ва технологик тамойилларга асосланганлиги маҳаллий инновацияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Анъанавий ва инновацион мактабларни фарқлаш учун мақсадларнинг мазмунини эмас, балки мақсадларни белгилаш, фаолият ва натижадорлик асосида шаклланган жараёнини ажратиш олиш зарур.Мақсад ўқитувчилар томонидан таълим мазмунида инновацияларнинг пайдо бўлишини, технологик жиҳатдан, бир томондан, ўқув жараёнининг умумий қонуниятлари билан, иккинчи томондан, ўқув жараёнини ташкил этишда технологик усуллариининг ўзига хос хусусиятлари билан чекланган турли хил инновацион технологияларни қамраб олади[5].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. //www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi.
2. Мусурмонов Р.,Расулов А. Мактаб менежменти – таълимни янги босқичга кўтариш омили Scientific Journal//Volume 2 | ISSUE 2 | 2021. 80-88-б
- 3.Тубелский А.Н. Нотўғри ишлайдиган ўқитувчи (талабалар ва ўқитувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш тажрибаси). - М., 1996 йил.
- 4.Турбовской Я.С. Педагогика фанининг амалиёт билан алоқаси методологик муаммо сифатида // Педагогика фанини ривожлантиришнинг методологик муаммолари. - М., 1985 йил.
5. Элмурзаева Н.Х. Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги – дарс интизомини таъминлаш мезони сифатида- Academic Research in Educational Sciences VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022 ISSN: 2181-1385





Impact Factor:  
7.569



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  [ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)



[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)

Scan to save the contact details